



THE ROLE OF ISLAM IN AMIR TEMUR'S STATE GOVERNANCE

R.R. Nurkulova

Associate Professor of the Department of History of Uzbekistan

Faculty of History, Jizzakh State Pedagogical University named after Abdulla Qodiriy

Honored Worker of Public Education of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: Amir Temur, Islam, Shaykh Shamsiddin Kulol, Shaykh Zayniddin, Abu Bakr Toybodiy, Imam Sayyid Baraka, Qur'an Karim, Shakhs Aloyiddin al-Bukhari, Imam Abdujabbor, Waliudin Abdurahmon ibn Khandun.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This scientific article highlights the role of the sacred religion of Islam in the internal and external activities of Sahibqiron Amir Temur. It discusses how he adopted Islam as the fundamental law of the state, how his beliefs were deeply rooted in Islamic teachings, and how he governed the vast empire based on established laws and regulations. The article also emphasizes that Islamic moral and ethical standards, particularly justice and truth, remained the guiding principles throughout Amir Temur's activities.

АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ

R.R. Nurkulova

A.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика университети

тарих факультети ўзбекистон тарихи кафедрасининг доценти

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Амир Темур, Ислому дини, Шайх Шамсиддин Кулол, Шайх Зайниддин, Абу Бакр Тойбодий, имом Саййид Барака, Куръони Карим, Шахс Алойиддин ал-Бухорий, Имом Абдужаббор, Валиудин Абдурахмон ибн Хандун.

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг ички ва ташқи фаолиятида муқаддас Ислому Динининг ўрни, яъни унинг Ислому динини салтанатнинг асосий қонуни сифатида қабул қилиш, унинг эътиқоди Ислому таълимоти ғоялари билан суғорилгани, улкан салтанатни шароит қонун-қоидалари асосида бошқариш ёритилган. Ислому маънавий-ахлоқий мезонлари адолат ва

хақиқат Амир Темурнинг бутун фаолиятида давомида асосий қоида бўлиб қолгани кўрсатилган.

РОЛЬ ИСЛАМА В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ АМИРА ТЕМУРА

Р.Р. Нуркулова

Доцент кафедры истории Узбекистана, исторический факультет

Джизакский государственный педагогический университет имени Абдуллы Кадырия

Заслуженный работник народного образования Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Амир Темур, ислам, Шейх Шамсиддин Кулол, Шейх Зайниддин, Абу Бакр Тойбодий, имам Саййид Барака, Коран, Шахс Алоиддин аль-Бухари, имам Абдужаббор, Валиудин Абдурахмон ибн Хандун.

Аннотация: В данной научной статье освещается роль священной религии ислама во внутренней и внешней деятельности Сахибқирона Амира Темура. Рассматривается, как он принял ислам в качестве основного закона государства, как его убеждения были глубоко проникнуты исламскими учениями, а также как он управлял огромной империей на основе установленных законов и правил. Подчеркивается, что исламские морально-этические нормы, особенно справедливость и истина, оставались основными принципами на протяжении всей деятельности Амира Темура.

Муқаддас Ислом дини кўп асрлар давомида халқимизнинг қалби билан чуқур жой олиб, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда қудратли омил бўлиб келмоқда. У халқимизнинг руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида беқиёс таъсирга эга.

Ислом дини барча инсонларни уларнинг миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, миннатсеварлик, биродарлик, ватанга садоқат каби олий фазилатлар соҳиби бўлишга давъат этади. Динимиз ҳамиша эзгуликка чорлаб, ёмонликлардан қайтарган. Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Темур фаолиятида ҳам диний эътиқод масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Амир Темур мадрасада таълим олган, билими ва дунёқараши кенг қамровли киши эди. У Қуръонни ёд билган, айрим сура ва оятларнинг мазмунидан келиб чиқиб, олдиндан бўладиган ишларни айтиб берган. Ҳар янги ишга қўл уруркин, у Қуръони Каримдан йўл-йўриқ излаган ва оятларни ўқиб, мушоҳада юритиб, тўғри хулоса чиқара олган. Шу боис, Амир Темур ўз салтанатини идора қилишга киришар экан, фаолиятини ислом динига ривож беришдан бошлади.

“Яна тажрибамдан кўрдимки, - дейди у – Агар давлат дину тартиб асосида курилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундан салтанат ялонғоя одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тортинмай кириб чиқадиган томсиз, эшиг-у, тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим”. Амир Темур ҳар жангда “Ғолиб бўлмоқлик (Тангрини) мадади ва бандасининг тадбири биландир,” – дейди.

Соҳибқирон ўз фаолиятининг бошиданок устозлари, пирларининг йўл-йўриқларига амал қилади. Шайх Шамсиддин Кулол, шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодий, имом Саййид Баракалар Амир Темурнинг маънавий пирлари эдилар. Ҳирот яқинидаги Тойобод кишлоғидан бўлган Зайнуддин Абу бакр Тойбодий Амир Темурга “Рости ва русти”, яъни “Ҳақгўйлик ва одиллик” сўзлари битилган узукни ҳада қилади. Кейинчалик Амир Темур бу узукка ўзининг номи шарафи ва учта узун-узун чизик қўйдиради.

Бу унинг муҳри эди. Соҳибқироннинг маънавий пири Саййид Барака унинг эришган ғалабаларини тоат-ибодат, фатволар бериш ва дуолари билан мустаҳкамлаб борган. Амир Темур пири Шамсиддин Кулолнинг доно маслаҳатлари асосида бир қўлида адолат, иккинчи қўлида эса холислик шами билан ўз умр йўлини ёритиб улкан салтанатни бошқарган.

“Тузуқлари”да “Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим. Саййидларни, уламоларни, фузало ва машойихга таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму-ситам йўлини тўсдим” - деб ёзади.

Амир Темур салтанат амалдорларидан ҳам ўзи забт этган вилоят, мамлакатлардаги саййидлар, уламолар, шайхлар, машойихлар, фузало, акобир ва ашрофларнинг ҳурматини жойига қўйиб, азиз тутишларини талаб қилган. У бу ҳақда “тузуқлари”да шундай дейди: “Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўтирувчи (зоҳидлари)ни суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийласинлар” .

Кўринадики, Амир Темурнинг шариат пешволарига эътибори ва ғамхурлигига улкан салтанатнинг барча ҳудудларида амал қилинган. Амир Темур ўзининг бутун ишлари, тадбирлари ва ҳаракатларини ислом қонун-қоидалари асосида олиб борар эди.

Унинг эътиқоди ислом таълимоти ғоялари билан суғорилган эди. Шунинг учун ҳам у ислом дини покловси, унга ривож берувчи шахс сифатида майдонга чиқди ва эзгу мақсад йўлида кураш олиб борди. Соҳибқирон ўзининг улкан салтанати биносини дини Ислом,

тура ва тузук асосида мустаҳкамлади. У ўз “Тузуклари”да “Дилимнинг машриҳидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад (унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (Ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим”.

Амир Темур салтанатига кирган барча ҳудудларда саййидлар, уламою шайхлар ва бошқа дин пешволарига алоҳида илтифот кўрсатилган. Уларга суюрғол белгилаб берилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг бу фаолияти ҳақида тарихчи ибн Арабшоҳ: “У саййидларни эъзозлаб, кароматлари соҳиблари (бўлган) авлиёларни иззату-икромли қилди, илму-фанни ва унинг оқиллари хурматини ошириб, (уларга) мурувватини сочиб, мартабаларини улуғлади”. Шу боис ҳам Амир Темур саройида кўплаб диний уламолар хизмат қилганлар. Амир Темурнинг ўзининг шахсий имоми “Абужаббор ибн Нуъмон Муътаззимий бўлиб, мамлакатнинг бош қозиларидан, мавлоно Қутбиддин ва Хожа Абдумалик” ва бошқалар саройида катта нуфузга эга эдилар.

Соҳибқирон ислом динини одамлар онгида, айниқса, ёшлар онгида мустаҳкамлаш мақсадида мусулмонларга диний масалаларда таълим берувчи диний шаҳобчаларни ташкил этишда ҳормай-толмай куч сарфлади. Бу маърифий мактаблар, мадрасаларда таълим бериш учун ўз даврининг кўзга кўринган олимлари ва мударрислари жалб қилинди. Салтанатнинг барча ҳудудларида садрлар ва қозиларга шариат қонунларига риоя этиш қаттиқ талаб этилган ва асосий вазифа қилиб қўйилган. “Диний масалалар билан боғлиқ ишларни мен кундалик ва дунёвий ишлардан доимо юқори қўйиб келдим. Фақат кишилар учун диний тарафдан Худо амрига кўра керак бўлган нарсаларни бажардим” - дейди у ўз таржимаи ҳолида.

Амир Темурнинг ички ва ташқи фаолиятида диний масалалар асосий ўрин эгаллаган. Амир Темур ўзининг ўтказган кенгашлари, маросимлари ва йиғилишларида фарзандлари, набиралари, амирлари ва бошқа мансабдорлари ва дин пешволарининг салтанат тахти атрофида жойлашиш ўринларини белгилаб берди. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало шайхлар тахтни ўнг томонидан ўраб олиб ўтиришлари белгилаб берилган. Бу ҳам Соҳибқироннинг дин пешволарига алоҳида хурмат ва илтифотидан далолат беради. Давлатни бошқариш ишларида ҳам ислом дини пешволарининг нуфузи ва мавқеи катта эди. Амир Темур пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) авлодларига катта хурмат кўрсатар эди.

Соҳибқирон дуонинг моҳияти ва кучига катта аҳамият берар эди. Ўзи ҳар бир кенгаш, тантанали маросимларнинг охирида қўлини очиб, Қуръони Каримдан оят ўқиб, мажлис аҳлидан фотиҳа олар эди. Соҳибқирон бутун салтанат ҳудудида тинчлик ва осойишталик,

адолат ва фаровон таъминлаб, муқаддас ислом динининг мавқеини мустаҳкамлади. Дин пешволарининг хурматини жойига қўйди. “Амир Соҳибқирон – дейди Низомиддин Шомий, - ҳар кимнинг ҳақ-ҳуқуқини ўз ўрнига қўйган ҳолда халоқойикнинг ҳар бир синфини турли – туман меҳрибонликлар билан сийлади. Саййидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни чопону инъом, уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни амонлигу одиллик билан хушнуд этди”. Низомиддин Шомий ёзганидек, Амир Темур саййидлар ва уламоларга доимо катта эҳтиром кўрсатар эди.

Амир Темур даврининг тарихчиси Ибн Арабшоҳ “Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига тутарди. Уламолар фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддас кўрарди” -деб ёзади.

Амир Темур ўз тасарруфига кирган мамлакатларда ҳам ислом динининг равнақи учун мардонавор курашди. Салтанат ҳудудларида раият ва сипоҳ орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар билан шуғулланиш ва бу ҳақда Амир Темурга ҳисобот бериб туриш учун махсус адолат амири тайинланди. Бу лавозимнинг жорий этилиши уни ўз даврининг адолатпарвар ҳукмдорларидан эканлигидан далолат беради.

Амир Темур ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларида мустаҳкамлади. Соҳибқирон “Тузуқлари”да бу ҳақда шундай ёзади: “Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза катгаю-кичик аҳли мўминнинг қуноғига етганидан сўнг ислом олимлари “Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом дини ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир Соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлмай” – деб фатво бердилар.

Ислом таълимоти Амир Темур салтанатининг таянчи эди.

Амир Темур ўз салтанатининг ҳамма ҳудудларида “машҳур дин пешволарининг қаровсиз, харобага айланган қабрларига ҳашаматли ёдгорликлар қурдириб, хотирасини абадийлаштирди ва ҳар бирига алоҳида назру вақфлар ажратишни топширди.”

Соҳабқирон Темур ўзининг барча ғалабларига ислом оламининг азиз авлиёларидан Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳам муътабар руҳий мадади бор деб биларди. У Турк сулоласи Боязид устидан қозонилган ғалабасидан кейин бу муътабар азиз авлиёнинг қабрини зиёрат қилишни маълум қилди. Бу зиёратга фақат Мовароуннаҳр мусулмонлари эмас, балки яқин Шарқдан ислом оламининг машҳур имомлари, шайхлари, уламолари ҳам тақлиф этилди. Зиёратда Соҳибқироннинг ўзи Қуръон тиловатини бошлаб берди. Буюк зотнинг қабрига Муҳташам Мақбара бунёд эттирди ва зиёратгоҳ учун улкан ҳашаматли дошқозон ясашга фармон берди.

Амир Темурнинг ўз шайхи бор эди. У шайх Алойиддин ал-Бухорий шахсий имоми бўлиб, у Самарқандлик машҳур аллома Абдужаббор эди.

Мухтасар қилиб айтганда, ислом дини Амир Темурнинг эътиқод ва имон дини эди. У ислом динини салтанатнинг асосий қонуни сифатида қабул қилди ва шариат қонун – қоидалари асосида давлатни бошқарди. Унинг эътиқоди ислом таълимоти ғоялари билан суғорилган эди. Ислом маънавий-ахлоқий мезонлари, адолат ва ҳақиқат Амир Темурнинг бутун фаолияти давомида асосий қоида бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М., Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз., –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Азимов Э. Амир Темур салтанати. – Тошкент.: “Ғ.Ғулом” нашриёти. 1996.
3. Ибн Арабшоҳ., “Амир Темур тарихи”, I-II жилдлар. –Т.:, “Меҳнат”, 1991.
4. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”, – Т.:, “Ўзбекистон”, 1996.
5. Ш.А.Яздий “Зафарнома”, –Тошкент.:, “Камалак”, 1996.
6. Темур тузуклари. –Т.: “Ғафур Ғулом” нашриёти, 1991.
7. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.:, “Фан”, 1991.
8. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Т.:, “Қомуслар бош таҳририяти”, 1991.
9. Носиров ў., Нурқулова Р. Амир Темурни англаш – ўзликни англашдир., – Т.:, “Тафаккур”, 2014.
10. Руи Гонзалес де Клавихо Самарқандга – Амир Темур саройига сайёҳат., “Қундалиқлар”, (1403-1406 йиллар)., – Т.:, “Ўзбекистон”, 2010.